

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

«ҲИМОЯГА»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2014 й

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ВА

МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ МАРТАБАЛАРИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ВЕБ-

САЙТИНИ ЯРАТИШ

МАВЗУСИДА

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

БИТИРУВЧИ:

Ҳақимов. А

610-10 гуруҳ талабаси

Фарғона – 2014 йил

Мундарижа

Аннотация	4
Кириш	5
АНАЛИТИК ҚИСМ.....	7
1.1 HTML, CSS ва PHP дастурлаш тилининг вужудга келиши.....	7
1.2 PHP дастурлаш асослари	22
II ЛОЙИҲА ҚИСМИ	36
2.1 CMS лар турлари ва уларнинг пайдо бўлиши.....	36
2.2 CMS ларнинг афзалликлари ва қийинчиликлари	45
2.3 CMS технологияси - Joomlaда сайт яратиш	49
III. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЛОЙИҲА САМАРАДОРЛИГИ	61
3.1 Веб сайтлардан фойдаланишнинг самарадорлиги.....	61
3.2 Веб сайтларнинг бугунги кундаги зарурияти.	62
IV. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ.....	63
V. ХУЛОСА	74
VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	75
VII. Илова.....	76

Аннотация

Тошкент ахборот технологиялар университети Фарғона филиали Информатика ва Ахборот технологиялари йўналиши 610-10 гуруҳ талабаси Гофуров Шохидбекнинг Фарғона вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари от спорти мактаби веб саҳифасини яратиш мавзусидаги битирув малакавий ишига аннотация.

Ушбу малакавий иш замонавий компьютер имкониятларидан кенг кўламда фойдаланган ҳолда PHP дастурлаш муҳитидан ёрдамида яратилди. Битирув малакавий иши кириш қисми, аналитик қисм, лойиҳа қисми, тадбиқ қилишни ташкил этиш ва самарадорлиги, меҳнат муҳофазаси, хулоса, илова ва фойда- ланилган адабиётлардан ташкил топган.

Кириш қисмида ахборот технологияларни ривожланиши ҳақида гап боради.

Аналитик қисмда ахборот технологияларни ривожланиши ва тарихи, серверлар, HTML, CSS, Javascript ва PHP дастурлаш тили ҳақида гап боради.

Битирувч малакавий ишнинг лойиҳа қисми 3 қисмдан иборат бўлиб дастурлаш технологияси ва унинг ҳозирги кундаги ўрни, PHP дастурлаш муҳити ва унинг имкониятлари, Joomla, CMS, масаланинг қўйилиши, дастурий воситадан фойдаланиш бўйича йўриқнома.

Тадбиқ қилишни ташкил этиш ва лойиҳалар самарадорлиги қисмида дастурини самарадорлиги ва тадбиқ қилиниши кўриб чиқилган.

Меҳнат муҳофазаси бўлимида ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар ва уларнинг организмга таъсири, эргонометрик хавфсизлик, электр хавфсизлигини таъминлаш.

Бундан ташқари битирув малакавий иши якунида хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илова ўз ўрнини топган. Битирув малакавий ишида 43 та расмлардан фойдаланилди.

Кириш

Интернет технологияларининг яратилиши турли манбалардан тез ва осон йўл билан ахборот олиш имкониятларини хамма учун-оддий фукародан тортиб йирик ташкилотларгача мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. Давлат муассасалари, фан-таълим муассасалари, тижорат корхоналари ва алохида шахслар ахборотни электрон шаклда яратиб-сақлай бошладилар. Бу мухит аввалги физикавий сақлашга нисбатан катта қулайликлар туғдиради: сақлаш жуда ихчам, узатиш эса бир онда юз беради ва тармоқ орқали бор маълумотлар базаларига муурожаат қилиш имкониятлари жуда кенг. Ахборотдан самарали фойдаланиш имкониятлари ахборот миқдорининг тез кўпайишига олиб келди. Бизнес қатор тижорат сохаларида бугун ахборотни ўзининг энг кимматли мулки деб билади. Бу албатта оммавий ахборот ва хамма билиши мумкин бўлган ахборот ҳақида гап борганда ўта ижобий ходиса. Лекин пинхона (конфиденциал) ва махфий ахборот оқимлари учун Интернет технологиялари қулайликлар билан бир қаторда янги муаммолар келтириб чиқарди. Интернет мухитида ахборот хавфсизлигига тахдид кескин ошди:

- Ахборот ўғирлаш қўйиш;
- Ахборот мазмунини бузиб қўйиш, эгасидан изнсиз ўзгартириб;
- Тармоққа ва серверларга ўғринча суқилиб кириш;

Тармоққа тажовуз қилиш: аввал қўлга киритилган трансакция(амалларнинг яхлит кетма-кетлиги)ларни қайта юбориш, «хизматдан ё ахборотга дахлдорликдан буйин товлаш», жунатмаларни рухсат берилмаган йўл орқали йуналтириш.

Маълумки, ҳозирги кунда WEB-саҳифаларни яратиш энг замонавий дастурлашлардан хисобланади. Бир неча йил аввал кўплаб WEB-саҳифаларини яратувчилар статистик маълумотларгагина қўллар эдилар.

WEB-саҳифалар html-файллардан ташкил топиб, фойдаланувчи ўз браузерини ишга юклар ва ўқий олар эди. Секин аста WEB –тармоғида фойдаланувчилар билан алоқа учун формалар яратилиб, қидирув функциялари ҳамда ўзаро ахборот алмашилиш имкониятлари яратила бошланди, лекин саҳифага мурожат қилувчига статистик маълумотлар аввалгидек кўринишда ифодалаб берилди. Энг эътиборли томони тармоқ магазинлари пайдо бўлиб, олди-сотди ишларини шу тармоқ асосида амалга оширувчи дастурлар ишлаб чиқарила бошланди.

Шу кунларда эса, WEB-саҳифаларини яратиш дастурлари энг асосий куруллардан бирига айланиб қолди. Компютердан фойдаланувчи ўз шахсий иш режаларига эга бўлиб, бу ишларни, яъни электрон почтани текшириш, кўриш режаларини тартибга солиш кабиларни шу саҳифа асосида амалга оширади. Хатто баъзи бир махсус маълумотларни тармоқ орқали миждозга намоиш этиш учун ҳам саҳифа кўринишида узатилиб берилади.

Агар сиз WEB-саҳифаларини тайёрловчи сифатида асосан HTML, Javascript ва график дизайнерлик билан шуғуллансангиз ёки сиз дастурчи бўлсангиз, лекин WEB-дастурлаш технологияси билан таниш бўлмасангиз у холда бу фан (соха) сиз учундир. У сизга юқори энг замонавий йўналишда кадам қўйишингизга ёрдам беради.

PHP тили Perl, ASP ва Java тиллари билан бир қаторда динамик WEB-саҳифаларни яратишда юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

PHP тили WEB-дастурлаш учун мўлжалланган. Шунинг учун ҳам ўзлаштириш учун HTTP протоколи хақида ва WWW қандай ишлаши хақида тушунчага эга бўлиши талаб қўилади. Агар HTML билан бироз таниш бўлиб, оддий кичик саҳифаларни яратишни билиш жуда ҳам яхши бўлади.

PHP тили маълумотлар базаси билан ишлашни енгиллаштиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кўп амаллари MySQL маълумотлар базасидан фойдаланиш асосида келтирилади.

АНАЛИТИК ҚИСМ

1.1 HTML, CSS ва PHP дастурлаш тилининг вужудга келиши

ТЕГлар ҳақида қисача маълумот

Теглар нима. Теглар бу HTML тилидаги буйруғлардир. Биз тегларни дескрипторлар деб ҳам аташимиз мумкин. Ҳар қандай веб саҳифалардаги маълумотлар албатта теглар ёрдамида ўқиш учун қулай ва кўринишли қилиб яратилади.

< ва > белгилари орасига олиб ёзилади. Мисол учун <head> Маълумотлар </head> кўринишида ёзиш мумкин. Ётибор берсангиз ТЕГларни ёзишда биз тегни очдик <head> ва маълумотларни киритиб </head> теги билан ёпдик. Демак теглар очилади ва одатда / белгиси билан ёпилади. Айнан ана шу буйруғлар берилмай олса ҳам сиз кутган натижани ололмаслигингиз мумкин.

Умуман <D> кўринишдаги дескриптор учун </D> дескриптори мавжуд бўлиб, биринчиси бирор амал бошланишини билдирса, иккинчиси шу амал якунланганини билдиради.

Енди текстлар билан ишлашни кўриб чиқамиз. Биз саҳифамизга маълумотларнинг асосий қисмини текст сифатида қўямиз. Шунинг учун текстларни тартиб билан чиройли дизайнда намоёиш етиш саҳифанинг ўқимишли бўлишига ёрдам беради. Текстлар ёзилиши қаторида янги қатордан, абзатсдан ёзқилиши мумкин. Бунинг учун Демак текстларга ранг танлаш ҳам алоҳида нозик дид талаб қилади. Биз текстга <p> ва </p> тегларидан фойдаланамиз.

Техтни қалин, *ёти* ва тагига чизилган ҳолда ёзиш учун , <i></i> ва <u></u> телари орасида ёзиш кифоя. Текст оралғи боша саҳифага йўл корсатмоқчи бўлсангиз албатта HREF тегида фойдаланасиз. Мисол учун www.conect.uz Кўринишда йўл кўрсатсак

албатта WWW.CONECT.UZ саҳифаси очилади.

Яна текстларни ҳар-хил сарлавҳаларда ҳам ёзиш мумкин.

Биз албатта саҳифа яратишда жадваллардан ҳам фойдаланамиз. Бунинг учун <table> - Жадвал, <td> - жадвал устуни ва <tr> - жадвал аторлари тегларидан фойдаланилади.

```
<table width="100%"bordercolor="#0000FF" border="1">
<tr>
<td colspan="2"><div align="center"> Бирлашган катак </div></td>
<td width="45%" rowspan="3"><div align="center">Бирлашган катак
</div></td>
</tr>
<tr>
<td width="30%"><div align="center"> Алоҳида
катаклар</div></td>
<td width="25%"><div align="center"></div></td>
</tr>
<tr>
<td><div align="center"></div></td>
<td><div align="center"></div></td>
</tr>
</table>
```

Бирлашган катак		Бирлашган катак
Алоҳида катаклар		

Ана энди саҳифага расм қўйиш учун фойдаланиладиган тег IMAGE билан танишамиз. IMAGE теги фақатгина саҳифага расмларни жойлаштириш учун фойдаланилади. Расмлар саҳифаларни қизиқроқ ва тасавурга бойроқ қилиб кўрсатади. Демак расм қўйиш учун <image> тегини киритамиз ва src="" қўйиб қўштирно орасига расм олинadиган манзил кўрсатилади. Албатта width="" ва height="" буйруғларида расмнинг кенглиги ва баландлик

параметрлари кўрсатилади. alt="" тегидан фойдаланиб расмга изоҳ ёзиш мумкин.

CSS, нима ўзи у?

CSS - бу стиллар билан ишлай оладиган каскадли стиллар мажмуасидир. Веб саҳифаларга ҳар хил стиллар бериш учун ишлатилади. HTML ҳужжат ичида теглар билан бирга фойдаланилади. CSS кодларини компиляция қилиш учун қандайдир компиляторлар, қандайдир дастурлар, ва бу код тушуна оладиган қандайдир редакторлар керак бўлмайди. Бу кодларни HTML сингари веб браузернинг ўзи компиляция қилади ва натижани чиқариб беради. Бу стиллар жадвали(CSS) тўлиқ ҳолатда 1997 йилда ташкил топиб, "WWW Consortium" ида қўллаб қувватланган ва фойдаланишга тақдим этилган. Ўша пайтларда HTML нинг 3 версияси оммабоп еди. CSS ни дастлаб Netscape Navigator 4.0 ва Internet Explorer 4.0 браузерларида кўриш мумкин бўлган. ҳозирда барча браузерлар CSS да ёзилган кодларни тушуна олади. Бу стилларга оид дастурлаш тилини ўрганиш содда бўлиб, янги стиллар кўшилиши натижасида кенгайиб бормода.

CSS ни HTML ҳужжати ичида ишлатилишини бирин кетин кўриб ўтамыз:

1. Веб саҳифада ишлатиладиган CSS кодлари орқали ҳосил қилинадиган стилларни ҳаммасини битта файлга ёзиб, уни серверда сақлаймыз. Сўнг, саҳифадан, сервердаги сақлаб қўйилган файлга мурожаат қилиб, керакли стилни оламыз. Бу усул катта ҳажмдаги веб саҳифалар яратишда фойдали ҳисобланади. Файлга мурожаат, <head>теги ичида амалга оширилади ва қуйидаги кўринишга ега бўлади.

```
<LINK REL=STYLEШЕЕТ TYPE="text/css" XREF="URL"></link>
```

теги саҳифа бирор файлга мурожаатни амалга оширмода дегани, REL - файл қандайдир стиллардан иборат дегани, TYPE - стиллар CSS кодларидан иборат ва файл жойлашган манзил ёзилади.

2. CSS кодлар веб саҳифа ичидаги <head> теги орасида берилади. Бунда яратилган стиллар шу саҳифага тегишли бўлади, бу дегани фаат шу саҳифада ишлатқилиш мумкинدير.

3. Навбатдаги тури, бу ҳар бир элемент учун алоҳида тег ичида стил бериб чишдан иборат. Мисол учун, "p" теги ичида бирорматн ёзилса, шу матн учун тег ичида алоҳида стил берилади ва бу стил шу тег учун хусусий бўлади. Бу усулдан фойдаланишни маслаҳат бермиман, чунки бу усул кодларни чалкаш ва тушунарсиз бўлишига олиб келади. Шошиқлинч вазиятларда ёки стил ай тартибда намоён бўлишни кўриб олиш учун бу усулдан фойдаланишни маслаҳат бераман. Ундан ташари <style> теги орали CSS файлни импорт қилиш мумкин бўлади.

```
@import: url(mystyles.CSS);
```

CSS стилларини ишлатишда, қуйидаги гуруҳлаш усулларида фойдаланиш, тартибли веб саҳифа тузишга олиб келади:

- Кодларни ихчамлаш учун, ҳар ҳил элементлар учун бир хил типдаги стилларни гуруҳлаб ишлатиш масадга мувофидир.

```
H1 {font-family: Verdana}
```

```
H2 {font-family: Verdana}
```

Юоридаги стилни гуруҳлаб қуйидагича ёзамиз.

```
H1, H2 {font-family: Verdana}
```

- Гуруҳлашда бир хил элемент учун бир неча стилларни бирлаштириш мумкин.

```
H2 {font-weight: bold}
```

```
H2 {font-size: 14pt}
```

```
H2 {font-family: Verdana}
```

Барча стилларни биттага йиғамиз.

```
H2 {font-weight: bold; font-size: 14pt; font-family: Verdana;}
```

- Баъзи стиллар битта стил ичида берилиши ҳам мумкин.

```
H2 {font: bold 14pt Verdana}
```

CSS стиллари билан ишлаганда, элемент ичидаги элементлар ҳам ўзидан юқори турган элемент стилини қабул қилади, яъни ўзидан олдинги элемент "ота" вазифасини бажаради ва ўз "фарзандлари"га ҳам ўзида борини беради. Мисол учун, <p> теги ичидаги матн кўк рангда ёзилиши лозим бўлса (P {color: blue}), <p> теги ичидаги тегига тегишли бўлган матн ҳам кўк рангда ёзилади. Баъзи стиллар фаат якка тартибда ишлайди, яъни ички тегларга стиллари ўтмайди (мисол учун, баскгроунд), шунинг учун барча стилларни бирма бир ишлатиб, ўрганиб олиш лозим. <body> тегига стил бериб, дастлабки ўрнатилиш (по умолчанию) жараёнини ҳосил қилиш мумкин. Шунда бирор элементга стил бериш ездан чиқиб қолса, <body> тегида стил ездан чиққан элементга ўрнатилади.

```
BODY {color: green;  
font-family: "Verdana";  
background: url(joke.gif) white; }
```

CSS 3 ҳақида

CSS - бу стиллар билан ишлаш учун мўлжалланган кодлар мажмуасидир. Хозирги кунга келиб янги CSS3 версияси ишлаб чиқилмода, лекин хали кўп браузерлар бу стилларни акс еттира олмаяпти. Шунинг учун CSS3 яратувчилари браузер ўртасида келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида браузер турига қараб ҳар хил префикслар ишлаб чиқишди ва бу префикслардан CSS3 тўли яратилмагунча ишлатиш тавсия етилган. CSS3 да

енг асосий ққўшилган стиллардан бири бу анимасиялардир, яъни стиллар алмашилиш жараёни бирданига емас, балки секин асталик билан содир бўлишидир. Қуйида CSS3 версиясига янги қўшилган баъзи стилларни мисол тариасида кўрсатиб ўтаман.

"Элементларни(матн, расм, фон,..) оч(прозрачный) кўринишда акс еттириш.

Бу йерда саҳифа фониға ранг бериб, шу рангни 0.7 даражали оч тусға келтирилмода, танишинг CSS3 нинг янги элементи rgba."Элементларнинг исталган бурчагига(исмиға) бир ватнинг ўзида ҳар хил расмларни жойлаштириш. Бу сайтни верстка қилиш жараёнини енгиллаштиради.

баскгроунд:

```
url(top.gif) top left no-repeat,
```

```
url(center.png) top 11px no-repeat,
```

```
url(bottom.png) bottom left no-repeat,
```

```
url(middle.png) left no-repeat;
```

“Resize” буйруғи. Бу буйруғ орали фойдаланувчи исталган элементнинг ўлчамини ўзгартириш мумкин бўлади.

```
div.resize {  
  
width: 25px;  
  
height: 35px;  
  
resize: botx;  
  
}
```

“CSS3” нинг яна бир янгилиги бу - элементлар(шакллар, блоклар) бурчагини исталган радиусда буриш мумкинлигидир. Кўп веб сайтлар форма яратиш жараёнида, форманинг бурчакларини буришни верстка

пайтида бирор расм орқали амалга оширишади, бу еса кўшимча иш ва вақт йўқотишга олиб келади, CSS3 да бу муаммо бартараф етилган ва кўйидагича амалга ошириш мумкин бўлади.

```
#forma {  
  
border-bottom-right-radius: 2em;  
  
border-bottom-left-radius: 1em;  
  
border-top-left-radius: 5em;  
  
border-top-right-radius: 3em;  
  
}
```

CSS3нинг соялар билан ишлаш қисми. Барча "p" теглари учун соялар хосил қилиш.

```
p {  
  
text-shadow: #003471 /* soya rangi */ 2px /* o'ng tomonga surilishi*/ 5px /*  
pastga surilish */ 2px /* razmitie*/;  
  
}
```

Шрифтлар. Интернетда кўп фойдаланувчилар вердана шрифти билан ишлайди. Нега? Чунки бу шрифт барча компютерларда мавжуд ва броузерда чиройли кўринишга ега. Агар стилларда қўлланилган шрифт фойдаланувчи компютерида мавжуд бўлмаса, броузер маттни исталган боша шрифтда кўрсатиши мумкин. Бу еса шрифтлар ранг баранглигига олиб келади. CSS3 да шрифтлар билан ишлаш учун янги команда @font-face.

Веб саҳифада колонкалар. Бунисига нима дейсиз? Элемент ичидаги матнларни бир неча устунли колонкаларда чиаришингиз мумкин.

PHP тарихи



1994 йили PHP тилиниг яратувчиси Расмус Лердорф ўзиниг сайтига меҳмонлар киришини ҳисоблаш учун Перл дастурлаш тилада махсус оби ёзиб амалда қўллаган. Кўп ўтмай обини ишлаш унумдорлиги жуда паст ва секинлиги аниқланганидан сўнг, дастурларни янгидан “C” тилида ёзиб чиқишга тўғри келади. Кейин, дастлабки дастур кодлари муаллиф тарафидан барчага кўриш учун серверга нашр қилинган. Сервер фойдаланувчилари кодлар билан қизиқиб, уни ишлатиш мухлислари ҳам пайдо бўлган. Ҳадемай, бу дастурлар алоҳида лойиҳага айланиб, 1995 йилнинг июн ойида дастурий маҳсулот PHP (Personal Home Page) номи билан биринчи нaшри чиқарилди. Имкониятлари оддий ва содда бўлиб: бир неча буйруғларни тушунадиган код анализатори(текширувчиси), меҳмонлар ҳисоблагичини, китобини, чатини яратиш учун фойдали дастурлар тўпламидан иборат бўлган.

1996 йил апрел ойида дастурлар жиддий қайта ишланганидан сўнг, PHP/FI(Personal Home Page / Forms Interpreter) номи билан маҳсулотнинг иккинчи нaшри пайдо бўлди. Бу маҳсулот HTML-код ичига ёзилиб, HTML-формаларни қайта ишлаб, ҳозирги PHP дастурлаш тилининг таянч имконийтларини ичига олган. PHP/FI код ёзилиши Перл тилига жуда ўхшаган, лекин соддароқ бўлган.



Расмус Лердорф, Енди Гутманс ва Зив Сураски

1997 йили PHP/FI2.0 нашри чиқди. Ўша пайтда бу маҳсулот билан дунё бўйича бир неча минг одам фойдаланиб, тахминан 50 минг домен бўлиб, Интернетнинг 1%-ни ташкил қилди.

1997 йилда Енди Гутманс ва Зив Сураски PHP/FIкодини бошқатдан ёзиб чиқишди, чунки ески код улар ишлатаётган электрон тижорат тизимлари учун яроқсиз еди. Ески коднинг муаллифларидан ёрдам олиш учун улар бирлашишни таклиф етиб, PHP3 номли лойиҳани PHP/FI-ни расмий вориси деб ёллон қилишди. Янги лойиҳа уюшгандан кейин PHP/FI лойиҳаси ишлаб чиқарқилиши тўхтатилган.

PHP 3.0 -нинг энг кучли тарафларидан бири унинг кенгайтирала олинадиган ядроси(тизимнинг бошарув қисми) бўлиб, бундан ташқари, маълумот жамғармалар билан, турли протоколлар ва интерфейслар билан биргаликда ишлаш кенг имкониятлари яратилди. Муваффаиятга еришишга анча аҳамиятли факт бу янги тилни бойлиги ва объектларга мўлжалланган дастурлашни қўллай олиши. Янги лойиҳа билан бирга нафаат тилни ташқи, ички тузулиши ўзгарди, балки ўзини номи ҳам. Енди PHP қисартмаси “PHP: “Huppertext Protsessor” маъносини англатиши билдирилди.

1998 йилнинг охирида PHP фойдаланувчиларнинг сони ўн минглардан ошди. Юз мингдан ошиқ веб-сайтлар бу тилни қўллашини ёллон қилишди. Тахминан Интернетнинг 10% серверларида PHP 3.0 ўрнатилган еди.

1998 йилнинг июн ойда PHP3 тўққиз ой оммавий текширувидан кейин расман ёллон қилинди. Шу йилнинг қишида Енди Гутманс ва Зив Сураски PHP ядросини қайтадан ишлаб чиқаришни бошлашган. Уларнинг асосий вазифаси PHP тизимининг унумдорлигини кўтариш ва коднинг модулларини яхшилаш еди. 1999 йилнинг ўрталарида биринчи марта тақдим қилинган янги ядро “Zend Engine” деб номланган (“Zend”: муаллифлар “Зеев” ва “Анди” исмлардан ташкил топган). Уни асосида тузилган янги тил PHP4 2000 йилнинг май ойида расман чиқарилган. Унумдорлик яхшилангандан

ташқари, PHP 4.0 муҳим янгиликларга ега бўлиб, сессияларни кўллаш, буферли чиқариш, киритилган маълумотларни ҳавфсиз қайта ишлаш ва яна бир неча янги тил тузувчиларини пайдо бўлишидан иборат.

Ҳозирги кунларда “Zend Engine” қайта яхшиланиб PHP5 тили ишлаб чиқарилди. Асосий ўзгаришлар объектларга мўлжалланган дастурлаш моделида бўлиб, тилнинг имкониятлари янада кенгайтирди.

Ҳозирда PHP тилини юз минглаб дастурчилар ишлатиб, бир неча миллион сайтлар яратилиб, Интернетнинг 20% доменларини ташкил етмоқда.

PHP тарихининг жадвали

Наш р	Сана	Изоҳ
PHP 1.0	1995 йил, 8 июн	Расмий номи “Персонал Ҳоме Паге Тоолс (PHP Тоолс)”. Бу “PHP” қисқартмани биринчи марта ишлатилиниши.
PHP 2.0	1996 йил, 16 апрел	Веб саҳифаларни “Тез ва осон ишайдиган курул” деб еълон қилинган маҳсулот.
PHP 3.0	1998 йил, 6 июн	Бир киши ишлаб чиқарувчи лойиҳадан кўп ишлаб чиқарувчилар лойиҳасига айланди. Енди Гутманс ва Зив Сураски кодни бошқатдан ёзиб чиқишди.
PHP 4.0.0	2000 йил, 22 май	Янги ядро “Zend Engine” асосида тузилган
PHP 4.1.0	2001 йил, 10 декабр	Тил конструксиясига суперглобал имкониятлар очилган (\$_GET, \$_POST,

		\$_SESSION, etc)
4.2.0	PHP апрел	2002 йил, 22 Хавфсизликни ошириш мақсадида тизимнинг солаш “registr_globals” параметри оширилган
4.3.0	PHP декабр	2002 йил, 27 “СГИ” (Common Gateway Interface)га қўшимча “CLI” (Command Line Interpreter) технологияси киритилган.
4.4.0	PHP июл	2005 йил, 11 PHPize ва PHP-config скриптлари учун қўлланма варалари қўшилган.
5.0.0	PHP июл	2004 йил, 13 Zend Engine II – янги объект модели киритилган.
5.1.0	PHP ноябр	2005 йил, 24 PHP Engine ишлаш унумдорлиги яхшиланган.
5.2.0	PHP ноябр	2006 йил, 2 Кенгайтирадиган филтр модулларининг PHP тизимида ишлатиш имкониятлари очик ҳолати ўрнатилган (default).

1.1.1 Системалар, серверлар ва маълумотлар базалари

PHP турли хил системаларда ишлай олади. У система Windows, Unix нинг кўплаб версиялари, шунингдек Linux ва хатто Macintosh бўлиши мумкин. PHP кўплаб тармоқ серверларида, хусусан Apache, Microsoft Internet Information Server, Web Site Pro, Iplanet Web Server ва Microsoft Personal Web Server – ларда ишлаши мумкин. Агар ўзимиз тузган дастурларимизни Windows тизимида текширишни хохлаш охиригина санаб ўтилган сервердан фойдаланишимиз мумкин, хатто Apache сервери Windows системаси бошқарувида ишласа ҳам.

PHP интерпретатори ёрдамида дастурни алоҳида мустақил кўринишда компиляция қилиш мумкин. У ҳолда дастурни мустақил ишга тушириш мумкин. PHP тилини яратишда маълумотлар базаси билан боғланиш талабларини алоҳида эътиборга олинган. Кўплаб маълумотлар базаларини PHP да ўқиш мумкин. Масалан буларга Adabas D, InternetBase, Golid, dBase, mSQL, Sybase, Empress, MySQL, Velosic, FilePro, Oracle, Unixdbm, Informix ва хоказоларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, PHP ODBC стандартини ҳам ўқий олади. Ушбу қўлланмада эса биз Linux, Apache ва MySQL серверлар асосида фикр юритамиз. Бу учта дастурлар мажмуалари кенг фойдаланиш мумкин бўлган.

1.1.2 Java Script хақида тушунча

JavaScript - бу интерактив ва динамик HTML Веб саҳифа яратишга мўлжалланган дастурлаш тили ҳисобланади. JavaScript Netscape Communications ва Sun компанияларининг биргаликдаги маҳсулоти бўлиб, у 1995 йилда биринчи версияси яратилган (JavaScript 1.3). JavaScriptнинг дастлабки номи LiveScript деб аталган ва у Netscape томонидан яратилган. JavaScript клиент ва сервер томонидан дастурлаш тили бўлиб, у HTML тилининг тегларини ва Интернет браузер (Microsoft Internet Explorer, Opera, Mozilla, Netscape) ойнасини бошқаради. Бунда браузернинг нимасини бошқаради деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга кейинги бўлимларимизда тўхталиб ўтамиз.

Бошқача қилиб айтганда HTML тили ва JavaScript дастурлаш тили биргаликда DHTML ни ташкил қилади. JavaScript тили eSMA-262 (Европа стандарти) ва ISO-162 62 (Халқаро стандарти) стандартлари орқали стандартлаштирилган.

JavaScript нисбатан олганда объектга мўлжалланган дастурлаш тили бўлиб, Интернет учун клиент ва сервер томонида ишловчи иловалар (сенарийлар) яратилади. JavaScriptда ёзилган дастур кодини олдиндан компиляция қилиш шарт эмас ва қилинмайди. Фақатгина дастур коди интерпретация қилинади. Шунинг учун JavaScriptни “интерпретаторли тил” деб аталади. JavaScriptда ёзилган дастур тўғридан-тўғри HTML форматида сақланиб бажарилади. HTML файли юкланган вақтда дастур матни браузер томонидан интерпретация қилинади ва у браузерда бажарилади. Шунинг учун браузерни интерпретатор деб ҳам номлаш мумкин. Компиляция ва интерпретация тушунчаларига тўхталиб ўтайлик. Трансляция-бу маълум бир дастурлаш тилида ёзилган дастур матнини (коди) электрон ҳисоблаш машина тилига ўтказилиш жараёни тушунилади. Шундай вазифани бажарувчи махсус дастурлар трансляторлар деб аталади.

Трансляция иккига бўлинади:

1. Интерпретация.

2. Компиляция

Интерпретация-бу дастур матнидаги ҳар бир қатор буйруқларини қаторма-қатор машина тилига ўгирилиш жараёни. Компиляция-бу дастур матнидаги ҳар бир қатор буйруқларини машина тилига ўтказиши билан биргаликда уларнинг кетма-кетлигини таъминлаш ва структура бўйича машина тилига ўтказилиш жараёнидир.

JavaScriptнинг асосий имкониятлари қуйидагилар:

HTML ҳужжатнинг кўринишини динамик бошқариш.

- Интернет браузер ишини бошқариш.

- Фойдаланувчи билан интерактив мулоқотни ўрнатиш имконияти.

- Математик ҳисоблашларни бажариш.

JavaScript билан тизим (ОС) ўртасида ҳеч қандай физик ёки дастурий воситалар мавжуд эмас. Натижада JavaScript тилининг камчиликлари пайдо бўлади. JavaScriptнинг асосий камчиликлари:

- Принтер ва бошқа қурилмалардан компьютер ва локал тармоқда фойдаланиб бўлмайди.

- HTML билан бевосита биргаликда ишлайди.

- Тизимли файлларни яратишда имкониятининг камлиги.

- Кўп оқимлилик ҳисоблашларни ташкиллаштириш мумкин эмас.

JavaScript контейнери. HTML файлида иккита оралиқ тег `<SCRIPT>...</SCRIPT>` теглари ишлатилади. Масалан: `<SCRIPT language="JavaScript" src="java.js">...</SCRIPT>` Контейнердаги `language` қайси тилда ёзилганлигини кўрсатади. Одатда бу шарт эмас. Ундан ташқари Internet Explorer VBScriptни ҳам қўллаб қуватлайди ва бунда `language=VBSCRIPT` кўрсатилади. Демак, `language` параметри ёрдамида унинг қайси дастурлаш тилида тузилганлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. `<SCRIPT>...</SCRIPT>` жуфт тег асосан `<HEAD>` ва `<BODY>` секцияларида ишлатилиши мумкин. `<HEAD>` секцияда аралаш функциялар,

бунда ўзгарувчилар ва массивларнинг бошланғич қийматларини ўзлаштиради. <BODY> сексиясида эса document.write() операторидан ташкил топган дастур фрагментига рухсат берилади. “JavaScript:” манзили (гиперматнли кўриниш) матн Масалан қуйидаги конструкцияни кўрайлик :

SALOM Бунда гиперматн “SALOM” устига сичқонча курсори олиб бориб босилган вақтда alert(“SALOM”) функцияси ишга тушади. JavaScriptни ишлатишни бундай усули Гиперматнли узаткич усули дейилади. Одатда бундай усуладан фойдаланиш қулайлик туғдиради.

1.2 PHP дастурлаш асослари

Биз юқорида PHP ни ўрнатиш ва ўрганиш бўйича бошланғич маълумотларни олдик. Энди эса, PHP да биринчи дастуримизни яратишга ҳаракат киламиз. PHP да дастур тузиш учун HTML даги каби WEB-саҳифа яратишни билишимиз лозим.

Ушбу дастурда эса, қуйидагиларни ўрганишга ҳаракат киламиз:

- ❖ PHP-программаларини яратиш, сетверга нусхасини кўчириш ва ишга тушириш
- ❖ PHP командалари ва HTML матнини битта ҳужжатга боғлаш
- ❖ Дастур матнини тушинтириш учун изоҳ келтириш

Биринчи дастурни ёзамиз:

PHP-дастурни тузиш учун ихтиёрий матн редакторини ишга туширамиз. PHP – дастури HTML- ҳужжатлари каби оддий матндан ташкил топади. Шунинг учун дастурни ихтиёрий матн редакторида, агар unix бўлса, VI-ёки Emacs да ҳам ёзиш мумкин. қуйидаги дастур матнини киритайлик ва уни first.php деб саклайлик:

```
< ? php  
  
    print "hello web";  
  
?>
```

ушбу дастур кенгайтмаси албатта .php бўлиши шарт. Агар дастур сервер эмас, балки клент компютерида тузилган бўлса, дастур файлини серверга киритиш учун FTP сервисдан фойдаланишга тўғри келади.

Агар дастурда ёки унинг кенгайтмасида ҳатолик мавжуд бўлса, браузер ойнасида дастур матнининг ўзи намоён бўлади.

1.2.1 PHP-команда блокиннг берилиши.

PHP-программани ёзишда интерпретаторга оддий HTML-ткесдан фарқини белгиловчи командани беришимиз лозим. Акс холда командалар HTML-текст сифатида қабул қилиниб браузер узатилади. қуйидаги жадвалда PHP-командаларини беришнинг 4-хил усули келтирилган.

Тег турлари	Очувчи тег	Ёпувчи тег
Стандарт	< ? php	?>
кискача	< ?	?>
ASP	< %	%>
Дастурий	<script language="php">	</script

Жадвалда келтирилган стандарт ва дастурий теглар PHP нинг ихтиёрий конфигурациясида ишлайди. киска ва ASP теглар ишлаши учун php.ini файлида аниқ келтирилган бўлиши лозим. киска теглар фойдаланилиши учун php.ini файлида қуйидаги директива ёзилган бўлиши лозим:

Short_open_tagкон;

Стандарт холда бу деректива ёкиғ бўлади, шунинг учун php.ini файлини фақат off қилиш учунгина тахрирлашимиз мумкин. ASP тегида фойдаланиш учун эса, қуйидаги директива ёкилган бўлиши лозим:

Asp_tagskon;

Php.ini файлини тахрир қилиб, ихтиёрий директивадан фойдаланиш мумкин. қуйидаги барча теглар учун ёзилган дастур матнини кўрайлик:

```
<?
print "hello web";
?>

<? php
print "hello web";
?>

<%
print "hello web";
%>

<script language="php">
print "hello web";
</script>
```

print() функцияси

Бу функция маълумотларни экранга чоп қилиш учун фойдаланилади. Экранга бериладиган маълумотлар() ичига берилади. Экранга бериладиган хар бир маълумот “ ” ичига берилиши лозим. Шунингдек Print дан кейин() кўйиш ҳам, кўймаслик ҳам мумкин.

1.2.2 HTML ва PHP нинг биргаликда ишлатилиши.

Қуйида келтириб ўтиладиган дастур фақат PHP командаларидан ташкил топган. Лекин очувчи ва ёпувчи теглар қўшиш орқали HTML- текст кўшиб HTML ва PHP нинг аралаш ҳужжатнинг яратиш мумкин:

```
<html>

<head>

<title> php va html хужжати </title>
```

```
</head>

<body>

<b>

<?php>

    print "hello world!";

?>

</b>

</body>

</html>
```

Агар дастурни саклаб (.PHP) уни браузер оркали ишга туширсак, экранда (жирнўй) **hello world!** Ёзувчи пайдо бўлади.

1.2.3 PHP-дастурида коментариялар (изоҳлар)

Маълумки, дастурни тузиш жараёнида ҳамма нарса тушунарли ва оддий дастурни ҳам тушуниб олиш кийин бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, дастур ёзиш жараёнида албатта изоҳ келтириб бориш зарур, чунки сизни дастурингиздан фойдаланувчига бироз осонроқ бўлади.

Коментария (изоҳ) - бу интерпретордакайта ишланмайдиган, дастурдаги оддий матн ҳисобланади. Изоҳ дастурни тушиниш учун енгиллик яратиш мақсадида фойдаланилади. Масалан:

```
// Бу изоҳ
```

```
* Бу ҳам изоҳ
```

Булардан ташқари изоҳ сифатида /* очувчи ва */ ёпувчи белгилар оркали ҳам фойдаланиш мумкин.

/*

Бу изох

Бу каторда ёзилган хамма сатрлар изох
хисобланади.

*/

1.2.4 Ўзгарувчилар

Ўзгарувчи – бу шундай жойки, бу жойни ташкил этиш ва у ерда дастурда керак бўладиган маълумотларни сақлаш мумкин. Барча ўзгарувчилар \$ белгиси билан бошланувчи алоҳида номга эга бўлади. Ўзгарувчи номида ҳарф ва сонлардан ташқари бошқа белгиларни қўйиш, шунингдек бўшлиқ (пробел) қўйиш мумкин эмас. Қуйида ўзгарувчини ташкил этишнинг тўғри келтирилган ҳолатини кўрайлик:

\$a;

\$a_long_ish_variable_name;

\$2453;

\$sleppyZZZZ;

Агар аҳамият берсак, ўзгарувчи охирида нуктали вергул (;) белгиси қўйиляпти, лекин бу белги ўзгарувчи номига тегишли бўлмайди. Балки у ўзаро ажратувчи символ ҳисобланади.

Ўзгарувчини шундай қурол сифатида тасаввур қилиш мумкинки, у бир хил типдаги белгиларни ўзида сақловчи махсус яшиқ дейиш мумкин. Бу ўзгарувчида сонлар, символлар, объектлар, массивлар ёки мантиқий қийматлар сақланиши мумкин. Ўзгарувчидаги берилган қийматларни ихтиёрий вақтда ўзгартириш мумкин.

Динамик ўзгарувчилар.

Бизга маълумки, ўзгарувчи \$ белги асосида эълон қилинади ва ундан сўнг ўзгарувчи номи келтирилади. Лекин биз учун ўзгарувчини бошқа ўзгарувчида сақлаш албатта янгилик. Лекин бунинг иложи бор. Масалан:

```
$user="bob";
```

сифатида келтирилган ўзгарувчи қуйидаги билан эквивалент ҳисобланади:

```
$holder="user";
```

```
$$holder="bob";
```

Бу ерда \$holder га user ўзлаштирилгани учун \$ кейинги \$holder ни user деб тушуниши мумкин.

Динамик ўзгарувчини қаторли ўзгармас ёрдамида эълон қилиш мумкин. Бунинг учун ўзгарувчи номини {} ичида берилиши лозим : ``${"user"}="bob" ;`

Динамик ўзгарувчига мурожат қилиш учун худди шундай кетма кетлик бажарилади:

```
$ user="bob" ;
```

```
print=$user ;
```

Бу қуйидаги билан эквивалент ҳисобланади ;

```
$ user="bob" ;
```

```
$holder="user";
```

```
print $$ holder;
```

Лекин ўзгарувчи номини чоп қилиш учун бошқачароқ берилади:

```
$user="bob" ;
```

```
$holder="user";
```

```
print "$$ holder";
```

Экранда эса \$user чоп қилиб берилади.

Юқорида келтирилиб ўтган фикримизга асос ва тушунарли бўлиши учун қуйидаги мисолни келтириб ўтамиз:

```
<html>

<head>

<title> Динамик ўзгарувчини яратиш </title>

</head>

<body>

<?php>

$holder="user";

$$holder="bob" ;

print"$user<br>";           // натижа "bob" чиқади

print"$$holder";           // натижа "bob" чиқади

print"<br>";

print"${ $holder}<br>";     // натижа "bob" чиқади

print"${ 'user' }<br>";    // натижа "bob" чиқади

?>

</body>

</html>
```

Маълумотлар ва уларнинг типлари

Турли типдаги маълумотлар хоотирадан тирли хил жой эгаллайди ва уларни қайта ишлаш ҳам хар хил бўлади. Шунинг учун дастурлаш тилларининг кўпида ўзгарувчини эълон қилиш олдиндан бажарилиши талаб

қилинади. PHP4 тили эса, бундай қаттиқ талаблардан йироқ бўлиб бу типларни алоҳида эълон қилишни талаб қилмайди. Берилган қийматга қараб типни ўзи ажратиб олади. Бу усул осон лекин камчиликка эга ҳисобланади. Чунки ўзгарувчилар кўпайиб кетганда уларни назорат қилиш дастурчига қийинчиликлар келтиради.

Қуйидаги жадвалда PHP4 тилида фойдаланиладиган асосий типларни келтириб ўтайлик:

Тип	Мисол	Берилиши
Integer	5	Бутун сон
Double	3.234	Ҳақиқий сон
String	“hello”	Символлар
Boolean	true	Мантиқий ифода
Object		Объектлар
Array		Массивлар

PHP4 тилида шундай функция борки, у ўзгарувчи типини аниқлаб бера олади. Агар `gettype()` функцияси ичига ўзгарувчи номини берилса, у натижа сифатида типни беради. Қуйидаги мисолда `gettype()` асосида турли хил қийматларни олувчи битта ўзгарувчи типини аниқлаш дастурини кўриб ўтайлик:

```
<html>
<head>
<title> Ўзгарувчи типин аниқлаш </title>
</head>
<body>
```

```
<?php
$testingκ5;
print gettype($testing); // 1 integer;
print <BR>;
$testing="five";
print gettype($testing); // string;
print <br>;
$testingκ5.12;
print gettype($testing); // double;
print <br>;
$testingκtrue;
print gettype($testing); // boolean;
print <br>;
?>
</body>
</html>
```

Бу дастур куйидаги натижаларни чоп қилиб беради:

Integer;

String;

Double

Boolean.

Ўзгарувчи типини ўзгартириш

Ўзгарувчини типини ўзгартириш учун PHP4 да Set Type, функциясидан фойдаланилади. Бунинг учун функцияда ўзгарувчининг типини ва унинг янги типини кўрсатилади лозим . Set Type функциясидан дастурдан фойдаланишни қуйидаги мисол ёрдамида кўрайлик :

```
<html>

<head>

    <title> Ўзгарувчи типини ўзгартириш </title>

</head>

<body>

<?php

    $ss=3.14 ;

    print gettype ($ss) ; // double

    print “ - - $ss <br>” ; // 3.14

    SetType ($ss, string);

    print gettype ($ss) ; // string

    print “ - - $ss <br> “ ; // 3.14

    SetType ($ss, Integer);

    print gettype ($ss) ; // integer

    print “ - - $ss <br> “ ; // 3

    SETTYPE($SS, double);

    print gettype ($ss) ; // double

    print “--$ss <br>”; // 3.6
```

?>

</body>

</html>

Операторлар ва ифодалар

Оператор - бу, бир ёки бир неча қийматлардан янги қийматларни ҳосил қилишда ишлатиладиган символ ёки символлар тўплами.

Операнда – бу, оператор ёрдамида қўшилувчи қиймат ёки ўзгарувчи.

Масалан: иккита операнда ва битта оператор ёрдамида янги сон ҳосил қилишни кўрайли:

Бу ерда 4 ва 5 лар операнда «Қ» оператор ҳисобланади.

Ифода бу, операторлар ёрдамида бажарилувчи ихтиёрий ссон, ўзгарувчи ва функцияларнинг комбинацияси ҳисобланади. РНР 4 тилида ўзлаштириш операторларини «=» белигиси билан белгиланади. Масалан, `print($name="bob");`

РНР4 да ишлатилувчи асосий арифметик операторни қуйидаги жадвал кўринишида келтириб ўтайлик:

Оператор	Номланиши	Мисол	Натижа
Қ	қўшиш	10Қ3	13
-	айриш	10-3	7
/	бўлиш	10/3	3,33333
*	кўпайтириш	10*3	30
%	модул бўйича бўлиш	10%3	1

PHPда конкатенация оператори оддий нуқта ҳисобланади. Бу оператор ўнгидаги қаторни чапга қўшиб бериш (боғлаш) да ишлатилади.

Масалан, “hello”.”world”; натижа эса қуйидагича бўлади: “helloworld”

Ўзлаштиришнинг қўшимча операторлари

Аслида ўзлаштириш оператори битта, лекин бир нечта арифметик ва ўзлаштириш операторлари комбинациясидан ташкил топган операторлар ҳам мавжуд. Бу операторларни қуйидаги жадвалда келтириб ўтайлик:

Оператор	Мисол	Эквиваленти
+ =	$\$x+=5$	$\$x=\$x +5$
- =	$\$x-=5$	$\$x=\$x -5$
/ =	$\$x/=5$	$\$x=\$x /5$
* =	$\$x*=5$	$\$x=\$x *5$
% =	$\$x\%=5$	$\$x=\$x \%5$
. =	$\$x.=\text{”test”}$	$\$x=\$x.\text{”test”}$

Солиштириш операторлари.

Солиштириш операторлари иккита операндани солиштириш учун ишлатилади. Улар иккита операндани солиштириш натижаси тўғри бўлса “true” акс холда “false” натижасини беради. Қуйида солиштириш операторлари келтирилган жадвални келтириб ўтайлик:

Оператор	Номланиши	Бажарилиш шарти	Мисол	Натижа
==	Тенглик	Чап ва ўнг операндлар	$\$x==5$	False

!=	Тенг эмас	ТЕНГ Чап ўнга тенг эмас	\$x!=5	True
===	Бир хил	Тенг ва бир хил	\$x===5	False

Ўзгармаслар

Ўзгарувчилардан фойдланиш маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг энг ажойиб усуллари билан бири хисобланади. Биз бу ўзгарувчилар қийматини, хаттоки типини хоҳлаган вақтимизда ўзгартира олишимиз мумкин. Лекин дастур яратиш жараёнида шундай ҳолат бўлишини истаб қоламизки, бунда бизни берган кийтимиз ёки маълумотимиз дастурни яратиш ва фойдаланиш жараёнида, керак бўлса тасодифан ўзгариб кетишдан ҳоли булсин, яъни ўзгармасин. Бунинг учун ўзгармаслардан фойдаланишимиз зарур. PHP4 да ўзгармаслар билан ишловчи define() функцияси мана шу мақсадда ишлатилади. Бу функция ёрдамида яратилган ўзгармас (константа) дастурни яратиш ва фойдаланиш жараёнида ўзгартирилмайди. Ўзгармасни ташкил этиш учун define() функциясида ўзгармас номи ва унинг қиймати берилади.

```
Define ("nomi",42)
```

Ўзгармас қабул қиладиган маълумот қиймат ва символ бўлиши мумкин. Ўзгармас номи эса фақат катта ҳарфлар билан берилади. Ўзгармасдан фойдаланишда фақат катта ҳарфлар билан \$ белгисини олдига куймасдан ёзилади.

қуйидаги ўзгармасдан фойдаланиш дастурда қандай ишлатилишига мисол сифатида келтириб ўтамыз:

```
<html>
```

```
<head>
```

```
<title>Uzgarmaslarni tashkil etish</title>

</head>

<body>

<?php

define("USER",Shohidbek);

print "Welcome".USER;

?>

</body>

</html>
```

Агар дастурга аҳамият берсак, «Welcome» ёзувидан сўнг конкатенация (.) белгисидан фойдаландик.

PHPда яна бир имконият борки, у фойдаланувчига автоматик равишда бир нечта ўзгармас ташкил этиб беради. Масалан, `_FILE_` ўзгармаси фақат фойдаланилаётган актив файл номини узида саклайди. `_LINE_` ишлатилаётган файлдаги актив қаторни аниқлаб беради ва х.к.

II ЛОЙИҲА ҚИСМИ

2.1 CMS лар турлари ва уларнинг пайдо бўлиши

Барчага маълумки, бутунжаҳон тармоғидаги веб-саҳифалар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда, яъни Узнетда ҳам жадаллик билан амалга ошмоқда. Кимдир ўз шахсий саҳифасини яратса, компания ва фирмалар корпоратив сайтларини яратмоқда. Яна кимдир ўз кундаликларини, яъни блогларини олиб борадилар.

Шу билан бирга, йирик порталлар фаолияти ҳам ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси еса бирор дастурий восита ёрдамида яратилади. Кимдир HTML тилида, кимдир PHP да, яна кимлардир CMS деб аталувчи тизимлар ёрдамида веб-сайтларни яратмоқда. Хўш, CMS дегани ўзи нима? Бу тизимни нима эканини тушуниш учун, келинг, аввало, веб-саҳифалар қандай яратилиши ҳақида билиб оламиз.

1989-йилда Тим Бернерс-Ли томонидан World Wide Web, яъни Бутунжаҳон ўргимчак тўри ихтиро қилинганидан бошлаб унинг ҳар бир фойдаланувчиси оддий бўлса-да, ўз веб-саҳифасини ярата олиш имкониятига ега бўлди. Лекин, бунинг учун HTML (Hyper Text Markup Language) тилини билиш шарт еди. Турли хил ИТ-компаниялари томонидан бу ишни осонлаштирувчи бир қанча дастурий пакетлар, жумладан Адобе Дреамвеавер ва Мисрософт ФронтПаге кабилар яратилди. Бундай дастурлардан баъзилари сайт яратишнинг барча босқичларини (HTML-кодни ёзишдан бу кодни серверга юклашгача) бошқаришни ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, кўпгина ҳолларда (айнан оддий саҳифаларни яратишда) фойдаланувчи бу кодни билиши шарт бўлмаган. Сабаби бу дастурларда веб-саҳифаларни яратишнинг визуал усулларида фойдаланилган.

Бироқ, HTML-редакторларининг барча афзалликларига карамай, сайтни бошқариш вақт ўтгани сайин ва янги маълумотлар кўшилиши билан

кийинлашиб бораверди. Чунки ахборот технологиялари ривожланиши билан веб-сайтлар ҳам ривожланиб борди. Сайт харитасини яратишдек оддий функцияни қўшиш учун ҳам веб-яратувчилар томонидан анча-мунча меҳнат талаб этилар еди. Ахир бунинг учун барча иловаларни кўриб чиқиш, саҳифалар орасидаги боғлиқликларни текшириш, менюни яратиш, форумни қўшиш каби ишларни бажариш лозим еди. Бу еса доимий диққатни ва жуда кўп вақтни талаб етарди.

CMS “Content Management System” деб ёйиб ёзилади, яъни контентни бошқариш тизими ёки сайтни бошқариш тизими. Бу сайтни тез яратиш **Bitrix** (Сайтни Бошқариш Тизими) ишини соддалаштириш учун хизмат қилади.



Биринчи: Сайтни бошқариш тизими буюртмачига сайтни мустақил эксплуатация қилишда, яъни бизнинг мутахассис билан емас, балки ўзингизнинг компания хизматчингиз (менеджер, котиб, маркетинг) билан сайтдаги ихтиёрий маълумотни ва унинг структурасини ўзгартиришингизга имкон беради.

Агар сиз сайтингиз маркетингли ускуна ва ундаги ҳар кунги маълумотида компаниянгизнинг охириги маркетингли аксиялари акс этишини хоҳласангиз у ҳолда CMS ни сизнинг сайтингизга қўлланилиши шарт: ва яна. Бу – сайтингизни ривожлантириш ёки модернизациялаш ишларида ўйланмай қилинган ҳаракатлар ёки шунчаки хатолардан асрайди.

Иккинчи: Сайтни бошқариш тизими ёрдамида сайтни ривожланиши сезиларли соддалашади ва жонланади. Сайтда янги бўлим яратиш, ихтиёрий саҳифада реклама блокларини, ички баннерларни ёки товарларнинг махсус таклифларини жойлаштиришни буюртлачи мустақил ва дақиқалар билан ўлчанадиган вақт мобайнида бажариши мумкин. Бундан ташқари, Буюртмачи мустақил, бизнинг ёрдамимизсиз, CMS ёрдамида сайтни янги интерфаол бўлимларини яратиши (масалан, форум) ёки у ёки бу

саҳифаларни парол билан ёпиб ва уларга фақат танланган фойдаланувчиларгагина киришга имкон бериш мумкин.

Учинчи: Бизнинг сайтни бошқариш тизимимиз (CMS, Bitrix) сизнинг сайтингиз асосида ётувчи бўлган, бошқа проектарда кўп мартаба ўрнатилгани (3500 мартадан кўпроқ), учун у Сайтингизни уни эксплуатация қилиш жараёнида дастурий хатолардан асрашига кафолат беради.

CMS – бу Сонтент Манагемент Систем дан олинган кенгайтма, у сўзма-сўз таржима қилинганда “Сайт контентини Бошқариш тизими” ёки “Сайтни Бошқариш Тизими” ларни англатади. Баъзида CMS ни сайтинг “Ҳаракатлантирувчиси” деб аташади.

CMS – бу динамик маълумотли веб-саҳифаларни ишлаб чиқариш ва таъминлашга имкон берувчи дастурий таъминотдир. Ҳар хил CMS ҳар хил мураккабликдаги сайтларни проектлашга имкон беради. Интернет магазинлардан то информасион порталларгача, Ҳаммасидан ҳам, CMS ахборотли ва контентли сайтларни яратиш учун мос келади.

CMS нинг иккита асосий тури бор:

1. Интернетда ишловчи ва жойлашувчи CMS.
2. Компютерга ўрнатилган ва сайт билан автоматик ёки файлларни янгилаш интерфейси орқали уланган CMS.

CMS нинг сайт билан интеграциясидан кейин , компаниянгизнинг хизматчиси сайт таркиби ва структурасини бошқаришлари, янгиликларни чоп қилишлари, матнларни таҳрир қилишлари ва графикани жойлаштиришлари, каталогдаги маҳсулотни узгартиришлари ва маҳсулотларни қўшишлари янги саҳифаларни, бўлимларни яратишлари ва кўпгина бошқа ишларни бажаришлари мумкин. CMS асосида қурилган динамик сайтларнинг устунлиги дизайннинг ахборотли тўлдиришдан ажратилганида бу ҳужжат айланмасини, бизнес жараёнларни шахсийлаштириш маҳанизмларини автоматлаштиришга имкон беради.

Бундан ташқари, CMS сайт таркибини осон, содда ва тез бошқаришга имкон беради. Бу CMS дан фойдаланишнинг иқтисодий фойдаси сезиларли даражада бўлишини таъминлайди.

CMS нинг мақсад ва вазифалари – мижоз томонидан маълумот ва графикаларни босқариш, тўлдириш ва таҳрир қилиш. Соддароқ қилиб айтганда, бу тизим – сизга бўлимларни ўзгартириш ва тўлдириш, сайт таркибини таҳрир қилиш, сайт графика ва дизайнини ўзгартиришга имкон беради. CMS сиз бундай сайтни бошқариш масалалари қиммат турувчи дастурчилар аралашимаса ҳал қилинмайди.

CMS сайт контентни бошқариш тизими веб – сайтларни яратиш ва таъминлаш нархини пасайтиради, шунингдек материалларни янгилаш тезлигини оширади, яъни сайт хўжайнида материал пайдо бўлганидан то сайтда чоп етилганигача кетган вақт CMS ни шарофати билан минимал бўлади. Бунинг устига CMS да маълумотларни ҳоп етишга тайёрлаш жараёни жуда ҳам оддий. CMS контентни бошқариш тизимининг шубҳасиз ижобий томони шундаки, сайтни бошқариш ва таъминлаш нархи пасаяди. Бу веб – мастер ойлик, маошига ҳужжатларни излашга иккиланиш ва ҳатоликларни олдини олишга кетган ёқотишларнинг пасайиши, шериклар ва мижозлар билан боланиш тезлигининг ортиши ... ҳисобига юз беради. Сизга лойиҳани таъминлаш ва ривожлантириш учун мутахассис ёллашингизга тўри келмайди.

CMS ёрдамида сиз сайтга жойлаштирилган маълумотларнинг ҳажми сайт нархига таъсир қилмаслигига гувоҳ бўласиз. CMS контентни бошқариш тизими сизга сайтда ихтиёрий ҳажмдаги маълумотларни жойлаштиришга имкон беради.

Одатда CMS га асосланган сайт саҳифалари бутунлигича сақланмайди, балки уларга мурожат қилишда жуда тез шаклланади, бу саҳифаларни юклашдаги тезликни оширишга имкон беради, чунки саҳифа шаблони (дизайнерлик расмийлаштириш) фақат бир марта юкланади ва кейинчалик

хар бир янги саҳифа сўровида фойдаланувчи компютеридан очилаверади. Сайтни бошқариш тизимида одатда кешлаштириш механизми амалга оширилади, бу қурилмаларга тушадиган юктамаларни камайтиришга имкон беради ва ишлашнинг ва сайтнинг киритиш қобилятининг тезлиги ошишига имкон беради. Бу ишлар маълумотлар базаси ва статис материалларга сўров натижаларини сақлаш евазига содир бўлади.

Одатда CMS тизимини сайтнинг компания ишлаб чиқарувчиси ўрнатишини таклиф қилишади. Бу анча тўри вариант чунки тизим аввал бошиданоқ сизнинг сайтингизга жойлашиб, мослашиб кетади. Шунингдек, CMS тизимлари қўшимча функцияларни таклиф этади ва охир оқибат сайтда форум, меҳмон китоби, саволлар ва жавоблар ва ҳоказоларни жойлаштиришга имкон беради.

CMS нинг текинлари ҳам мавжуд, улар сайт таркибини бошқариш учун йетарлича катта имкониятларни намоиш қилади. Текин CMS лар кўп фойдаланувчиларга ега, улар текин контентни бошқариш тизими ёрдамида сайтни бошқариш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Текин CMS ларга катта миқдордаги кенгайтма ва қўшимчалар мавжуд, улар сайтни бошқариш жараёнини анча қулай ва функционал қилишга имкон беради. Аммо текин CMS ларнинг салбий томони расмий техник қўллаб қувватлашнинг йўқлиги ва сайт таркибини бошқариш тизимида критик хатоларни тўрилаш, тезлигининг пайтлигидадир.

Қайси CMS дан фойдаланган маъқул?

Ҳозирги даврга келиб, CMS асосига қурилган бир қанча тизимлар яратилган. Уларга мисол қилиб, Drupal, PHP-Nuke, WebDirector, Joomla!, NetCat, Slaed, Micrasoft CMS, WordPress, PHPShop кабиларни келтириш мумкин. Бу тизимларнинг баъзилари умуман текин бўлса, баъзиларидан еса ҳаққини тўлабгина фойдаланиш мумкин.

CMS ни танлаш бир томондан осон ва жўндек кўринсада, бу жуда жиддий масала. Интернетда уларнинг турли йўналишдаги ўнлаб (агар юзлаб бўлмаса): юз долларлаб турадиганидан то очик кодли бепул туригача, маълум бир соҳагагина тааллуқлисидан ихтиёрий мураккабликдаги сайт қуриш имконини берадиганигача, осон бошқариладиганидан администратор учун катта қийинчиликлар келтирадиганигача турини топишингиз мумкин. Хуллас, агар CMS лар билан ишлаш бўйича ҳеч қандай тажрибангиз бўлмаса, кераклисини танлаш қийинлашиб кетиши тайин.

Дастлаб келинг, пуллик CMS ларни ишлатмасликка ҳаракат қиламиз. Ахир катта пул тўлаб, CMS ни ишлатишдан бесамара фойдаланишга нахожат. Шу йерда бир нарсани айтиб ўтиш керак: бу билан ўзимизга қийин қиламиз. Бошқа тарафдан еса, қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик қизик бўлиши аниқ, шундай емасми?

Енди CMS ларга яна бир талаб қўямиз: универсаллик. Бу дегани, биз ишлатмоқчи бўлган CMS ихтиёрий конфигурациядаги компьютерларда ҳам ишлай олишидир. Шунингдек, сайтни локал сервердан ҳақиқий серверга кўчирганимизда ёки бевосита сервернинг ўзида яратаётганимизда CMS билан ҳеч қандай қийинчиликлар туғилмаслиги керак. Бу талабга еса, афсуски, кўпчилик бепул CMS лар жавоб бера олмайди.

Барча дастурий таъминотларга қўйиладиган талаблардан яна бири – хавфсизлик (ахир сиз ҳафталаб-ойлаб яратган сайтингизни шунчаки қизиқиш учун бир кунда бузишларини хоҳламасангиз керак?). Шунинг учун CMS ларнинг хавфсизлик даражалари доимий янгиланиб туриши шарт.

Натижада, талабларимизга деярли тўлиқ жавоб берадиган қуйидаги: PHP Nuke, Drupal, Joomla!, Slaed CMS тизимларигина қолади. Енди ана шу CMS ларни батафсилроқ кўриб чиқамиз ва ўзимизга керакли баъзи хулосалар чиқарамиз.

PHP Nuke. Енг биринчи CMS лардан бири бўлиб, афсуски, анча вақтлардан буён янгиланмай келмоқда. Бироқ, унинг коди кўплаб адашлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда (масалан, DotNetNuke, PostNuke). Бу бир-бирига ном жиҳатдан яқин бўлган тизимлар фойдаланувчи диққатига навбатма-навбат чиқиб туради. Функционаллик жиҳатидан тизим анча мукамал бўлиб, унинг учун кўплаб қўшимча модуллар яратилган. Масалан, хабарлар лентаси, форум, мақолалар, сўровлар ташкил қилиш, статистика олиб бориш ва бошқалар. Аммо, сайтларнинг тузилиши жиҳатидан бир хиллик кузатилади. Шу билан бирга, бу тизим юкланиши қийин бўлади, яъни қўшимча модуллар саҳифа юкланишини секинлаштиради. Бу еса кўплаб фойдаланувчиларга ёқмаслиги тайин. Юкланиш нафақат саҳифага, шунингдек, серверга ҳам тушади, бу еса хостинг хизматини тақдим етувчиларга ёқмайди. Агар сизни шундай вазият қониқтирса, айнан шу CMS ни танлашингиз мумкин. Мурожаат қилиш учун расмий сайти: www.Nukefiles.ru

Drupal. Турли хил ўзгартиришлар орқали ўзимизга мослаб олиш бўйича енг мукамал CMS деб айтиш мумкин. Шу йерда шуни айтиш керакки, “Томчи” (бу тизим номи инглиз тилидан айнан шундай таржима қилинади) аслида, CMS емас, балки “CMS ни тузувчи тизим”. Унинг ёрдамида сиз тайёр блоклардан керакли CMS ни йиғасиз. Шуни айтиш мумкинки, функционаллик ва дизайн жиҳатидан ўзингизни қаноатлантирувчи CMS ни хосил қиласиз. Стандарт модуллар тўпламига блог, форум, хабарлар лентаси, файлларни юклаш, овоз бериш, кидирув кабилар киради. Бунда кўринадиган камчилик битта: PHP ва MySQL ни мукамал билиш лозим. Агар бу қисқартмаларни тушунмаган бўлсангиз, кейинги CMS га ўтаверинг, акс холда еса бу тизимга жиддийроқ еътибор беринг. Расмий сайти: www.Drupal.org Техник ёрдамни www.Drupal.ru сайтидан ҳам олишингиз мумкин.

Slaed CMS. Бугунги кунда анча оммабоп CMS бўлиб, турли хил сайтларда ишлатилади. Икки хил варианты мавжуд: пуллик ва текин (OpenSlaed). Иккови ҳам битта ядрога қурилган (бу дегани хавфсизлик даражаси бир хил) ва фақатгина функционалигига таъсир қилувчи модуллар сони билан фарқланади. Бепул вариантыда бирор мавзудаги нисбатан кичик портални яратишингиз мумкин. Аммо, бундан ортиғини емас. Дизайни ҳам унчалик катта қийинчиликларсиз ўзгартирилиши мумкин. Тизим аслида Россияда яратилгани учун рус тилидаги ёрдам (slade.net) ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади.

